

# ТИБИЙ МАТНЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

А.Б.Кобилова

БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси

## **Abstract:**

This article discusses periphrases in English and Uzbek languages. The periphrases used in medical texts and their features are analyzed using examples of the English and Uzbek languages. Attention was also paid to the expression of genuine and contextual periphrases.

## **Key words:**

Periphrasis, genuine periphrases, contextual periphrases, medical periphrases, linguistics, language, journalism, fiction.

Тилшуносликларда **перифраза** тушунчасининг кўплаб таърифлари, шунингдек, унинг вазифалари ва таснифланишига оид хилма-хил қарашлар мавжуд. Қайд этиш мумкинки, перифраза тилшуносликнинг энг мураккаб ҳодисаларидан бири ҳисобланади.

Перифразада тасвирланаётган тушунчанинг айни матн ва вазият учун энг муҳим сифати, белгиси, хусусияти биринчи ўринга қўйилади. Перифразанинг асосий вазифаси матннинг ифодавийлигини, баённинг таъсирчанлигини оширишdir, шунинг учун улар асосан бадиий адабиёт тилида, публицистик ва оғзаки нутқда учрайди, илмий нутқда эса тасвирийликдан холи бўлади ва термин сифатида қўлланилади [1, 8163].

Перафразалар нутқда, нутқ бирлиги сифатида вокеланишига кўра соф ва контекстуал парафразалар каби турларга бўлинади [4, 9]. Бунда соф парафразалар ҳеч қандай контекстсиз муайян маъно, тушунча ифодалайди ва, энг муҳими, оммага матнсиз ҳам тушунарли бўлади. Масалан, **саломатлик посбонлари** – шифокорлар, **соҳибқирон** – Амир Темур, **оқ олтин** – пахта, **кумуш тола** – пилла; *evening of life* – old age (ҳаёт туни –қаралик), **blue planet** – Earth (яшил саёра – Ep), **desert ship** – camel (саҳро кемаси –туя), **king of Jealousy**– Othello (**рашик қироли** – Отелло) каби.

Иzlанишлар натижасида оммага тушунарли бўлиш мақсадида тиббий матнларда соф перифразалар кўпроқ қўлланганлигига амин бўлдик. Масалан, Ўпка – **қислород ташувчи аъзо** қандай тузилган? (“Шифо-инфо” газетаси, 2017. 12-сон); Елбўғоз – **ёлғон ҳомиладорлик** хақида нималарни биласиз? Ҳомилами ё йўлдош. (“Суғдиёна” газетаси, 2019. 2-сон); AIDS – **is the plague of the century** (ОИТС – **аср вабоси**), *Scientists have denied that cancer is an incurable disease* (Олимлар рак бедаво дард эканлигини инкор қилишмоқда) каби. Бунда **қислород ташувчи аъзо** деганда эса ўпка, **ёлғон ҳомиладорлик** деганда **елбўғоз**; **is the plague of the century** деганда **AIDS, incurable disease** деганда **cancer** назарда тутилаётгани кўпчилик учун сир эмас [2, 215].

Контекстуал перифразалар эса муайян матндагина яратилиб, шу матн учун яшайдиган тасвирий ифодалар ҳисобланади. Уларни матндан ташқарида, алоҳида олингандан маъно чиқариш қийин бўлади. Яна ҳам аниқроғи, улар фақат матндагина, бошқа сўзлар қуршовида муайян тил бирлигига нисбатан тасвирий ифода бўлиб келади. Масалан, **Юзда очилган баҳор гуллари** перифразаси: “Баҳорнинг қуёшли кунлари гўзал қизларимизни бироз ташвишига солиши табиий. Негаки, у **юздаги дөглар ва сепкилларнинг** авж олишига сабаб бўлади (“Шифо-инфо” газетаси, 2014. 11-сон).

Ушбу матн парчасини ўқимай туриб, **юзда очилган баҳор гуллари** деганда муаллиф нимани назарда тутаётганилиги англаш бироз мушкул. Бунда баҳорда кўпчилик (айниқса, қизлар)нинг юзларига тошадиган қип-қизил тошмалар назарда тутилган бўлиши мумкин.

Матн билан танишиб чиққач **юзда очилган баҳор гуллари** деганда **юздаги доғлар ва сепкиллар** назарда тутилаётганилиги англаш мумкин. Бу каби тиббий перифразалар билан ифодаланган тиббий матнлар тиббиётта оид босма нашрларда салмоқли ўрин эгаллайди.

Ёки, Ч.Диккенснинг “Dombay and Son” романида келтирилган қўйидаги жумла ҳам юқорида келтирилган фикрга мисол бўла олади: *I understand you are poor, and wish to earn money by nursing the little boy, my son, who has been so prematurely deprived of what son never be replaced.*

Таъкидлаш жоизки, контекстуал перифразалар ичида кенг истеъмолда қўлланилиш даражаси юқори бўлганлари бора-бора (оммага тушунарли, маълум бўлиб боргач) соҳифа перифразаларга айланиши мумкин. Бироқ бу барча контекстуал перифразалар маълум давр ўтганидан сўнг соҳифа перифразаларга айланади дегани эмас.

Тиббий перифразаларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар орқали ифодаланган сўз, айрим ўринларда сўз бирикмалари, асосан, тасвирий ифодалар билан ёнма-ён қўлланилади: *Гижжалар – ички душманлар* (“Шифо-инфо” газетаси, 2018. 2-сон); *Салмонеллэз касаллиги жуда айёр касаллик – енгил кечаетган дард бирданига зўрайиб кетиши мумкин* (“Даракчи газетаси, 2019. 9-сон); *Стенокардия – юракни гижимлайдиган дард*. Стенокардия – юрак ишемик касалликларининг кенг тарқалган тури бўлиб, одамлар орасида “юрак сиқиши” номи билан машҳур. (“Даракчи” газетаси, 2019. 43-сон); *Микроинсулт – организм “сигнали”га беэътибор бўлманг!* (“Даракчи” газетаси, 2019. 46-сон) каби. Инглиз тилида: “Using military terms like “battler” and “fighter” to help patients conceptualise their illness can sometimes harm more than it helps.”(Dhruv Khullar Atlantic.aug-7.2014). Ушбу гапда “patient” атамаси ўрнига “battler”, “fighter” перифразалари қўлланилган.

Тиббий матнларда перифразанинг ҳосил бўлиши хусусида сўз борар экан, шу ўринда психолингвистик ёндашувни ҳам унутмаслигимиз лозим. Бунда перифразанинг юзага келишида тасаввур омили муҳим аҳамиятга эга. Мисол тарикасида **шифонинг кони** перифразасини олайлик. Маълумки, кон деганда, биринчи навбатда, хаёлимизда ижобий тасаввур уйғотадиган табиий бойликлар захираси гавдаланади. Лугатга таянадиган бўлсан, “кон – Ер пўстининг маълум майдонида табиий ҳолда тўпланган ва ишлаб чиқарилиши иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган қазилма бойликлар” [Қаранг: <https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Kon>]. Шифо деганда эса дардлардан фориғ этувчи, даво маъноси англашилади. Кон ҳакидаги тасаввуримиз билан бирга шифо тўғрисидаги тасаввуримиз бирлашиб онгимизда маълум бир шифобахш, фойдали (албатта, табиий бўлган) нарса хусусида фикр уйғотади. Натижада, нутқ предметини ифодалаш, баҳолаш мақсади таъсирида экспрессивликни юзага чиқарувчи – **қовоқ** сўзининг функционал-семантик синоними – **шифонинг кони** перифразаси яратилган.

Демак, ушбу перифраза қовоқнинг табобатда қатор касалликларга даво эканлиги жиҳатига асосий эътибор қаратилганлиги натижаси ўлароқ вужудга келган. Шунингдек, спорт – **саломатлик гарови**, анор – кексалик эшигинглизга яқинлаштирумайдиган мева, лимон –хонаднинг цитрус шифокори, лимонзор – цитрус дорихона каби перифрастик бирликлар ҳакида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, перифраза - бадиий адабиёт, журналистика ва оммавий нутқ асарларида у стилистик восита сифатида баённинг равшанлигини ошириш, ўқувчига ёки тингловчиларга янада кучли таъсир ўтказиш учун ишлатилади. Шунингдек, перифразалар тиббий матнларда ҳам кенг қўлланилади.

**Файлаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Kobilova A.B. Features of the use of the periphrases of the Uzbek and English languages in journalistic texts. International journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020. – Page: 8162-8168. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>
2. Kobilova A.B. Periphrasis – as a stylistic device. Proceedings of Global Technovation 2<sup>nd</sup> International Multidisciplinary Scientific Conference. Hosted from London, U.K., December, 28<sup>th</sup> 2020. – Page: 215-216. <https://conferencepublication.com>
3. Kobilova Aziza. The main classification of periphrases of English language. Collection of material of the international online conference: Actual problems and solutions of modern philology. Uzbekistan, December, 7<sup>th</sup> 2020. <http://journals.e-science.uz/index.php/conferences/article/view/223>
4. Умиров И.С. Ўзбек тили парофразалари: филология фанл.номзоди..дисс. авторефати.– Т., 1996. -9-b.